

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

3-сон
(87)
2004 й.
январь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

28. «Хусусий корхона тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 деб кабрдаги 558-II-сон Қонуни
29. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2003 йил 11 деб кабрдаги 559-II-сон қарори

Учинчи бўлим

30. «Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги 24-сон қарори [Кўчирма]
31. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 январдаги 28-сон қарори
32. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 январдаги 31-сон қарори

33. «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январдаги 33-сон қарори [Кўчирма]

Бешинчи бўйлим

34. «Темир йўл транспорти ходимлари учун маҳсус кийим, маҳсус пойабзал ва бошқа якка тартибда химояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёrlарини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2003 йил 30 декабрдаги 70-сон буйруги. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда 1298-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
35. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия хисобининг миллий стандарти (5-сон БХМС) «Асосий воситалар»ни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруги. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда 1299-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
36. «Тижорат банкларида грантларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 8 ноябрдаги 27/3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 21 январда 1300-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
37. «Тижорат банкларининг молиявий ҳисботларидаги хатоларни тузатиш тартиби тўғрисида» низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 8 ноябрдаги 27/4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 21 январда 1301-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
38. «Давлат ветеринария назорати остидаги юкларни экспорти, импорти ҳамда транзитида ветеринария хужжатларини расмийлаштириш ва уларни ташиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғининг 2003 йил 25 июлдаги 4-а-сон буйруги. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 22 январда 1302-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 16 январдан 23 январгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ

28 Хусусий корхона тўғрисида

I. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади хусусий корхоналарнинг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

3-модда. Хусусий корхона

Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир.

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

4-модда. Хусусий корхонанинг фирма номи

Хусусий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Хусусий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва «xususiy korxona» деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Хусусий корхонанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номини ва «xususiy korxona» деган сўзларни ёки «ХК» аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

5-модда. Хусусий корхонанинг банк ҳисобвараглари

Хусусий корхона Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқарида қонун ҳужжатларida белгиланган тартибда банк ҳисобвараглари очади.

6-модда. Хусусий корхонанинг муҳри

Хусусий корхона ўзининг тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва

хусусий корхонанинг жойлашган ери кўрсатилган муҳрга эга бўлиши керак. Муҳрда айни пайтнинг ўзида унинг фирма номи бошқа тилда хам кўрсатилиши мумкин.

7-модда. Хусусий корхонанинг штамплари ва бланкалари

Хусусий корхона ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда кўзга ташланиб турадиган бошқа идентификация воситаларига эга бўлишга ҳақли.

II. Хусусий корхона тузиш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш

8-модда. Хусусий корхона тузиш тартиби

Хусусий корхона мулкдор томонидан тузилади, мулкдор унга тегишли мол-мулк беради ва унинг уставини тасдиқлади.

Хусусий корхона, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.

9-модда. Бошқа юридик шахсларни таъсис этиш. Хусусий корхонанинг ваколатхоналари ва филиаллари

Хусусий корхона қонун хужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида ўзгача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар очишга ва филиаллар тузишга ҳақли.

10-модда. Хусусий корхонанинг устави

Хусусий корхонанинг таъсис ҳужжати унинг уставидир.

Хусусий корхонанинг уставида кўйидагилар кўрсатилиши керак:

корхонанинг фирма номи;

унинг жойлашган ери ва почта манзили тўғрисидаги маълумотлар; асосий фаолият турларининг рўйхати;

мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи; устав фондининг миқдори.

Хусусий корхонанинг устави қонун хужжатларида зид келмайдиган бошқа қоидаларни хам ўз ичига олиши мумкин.

11-модда. Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш

Хусусий корхона давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

12-модда. Хусусий корхонанинг устав фонди

Хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасdir ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди.

Пул, қимматли қофозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулкий хукуқлар ёхуд бошқа шахсга бериладиган ўзга хукуқлар хусусий корхонанинг устав фондига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин. Мулкдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди.

Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргалиқдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни

корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

13-модда. Хусусий корхонанинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш

Хусусий корхонанинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш мулкдорнинг қарорига кўра хусусий корхонанинг уставига ўзгартишлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

Агар иккинчи молия йилининг ва шундан кейинги ҳар бир молия йилининг якунида хусусий корхона соф активларининг қиймати унинг устав фондидан кам эканлиги маълум бўлиб қолса, хусусий корхона ўз устав фондини ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдорда камайтириши шарт.

Хусусий корхона соф активларининг қиймати қонун хужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

III. Хусусий корхонани бошқариш

14-модда. Хусусий корхонани якка бошқариш

Хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш қўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкини тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда хисобвараклар очади, штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

15-модда. Хусусий корхона мулкдорининг хукуқлари ва мажбуриятлари

Хусусий корхона мулкдори қўйидаги хукуқларга эга:

хусусий корхона уставига қонун хужжатларида белгиланган тартибда ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш;

хусусий корхонани қайта ташкил этиш ва тутагиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

хусусий корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдасидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш;

хусусий корхонага тегишли мол-мулкини бошқа шахсга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошқа юридик шахсларнинг устав фондига хисса сифатида киритиш ёки ушбу мол-мулкини бошқача усуlda тасарруf этиш.

Хусусий корхона мулкдори қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Хусусий корхона мулкдори:

устав фондини шакллантириши;

ўзига қарашли корхонани якка бошқариши шарт.

Хусусий корхона мулкдори зиммасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

16-модда. Хусусий корхонани вактинча бошқариш

Хусусий корхона мулкдори ўзи вактинчалик бўлмаган тақдирда шу муддатда раҳбарлик вазифасини бажариб туришни бошқа жисмоний шахс зиммасига юклаш тўғрисида ёзма қарор қабул қиласи. Хусусий корхона мулкдори мувакқат раҳбар-

нинг хусусий корхона мол-мулкини тасарруф этишга оид ҳуқуқини чеклаб қўйиши мумкин.

17-модда. Мулкдорнинг хусусий корхона раҳбари вазифасини бажара олмаслиги

Вафот этганлиги, муомалага лаёқатсизлиги, муомала лаёқати чекланганлиги ёки бедарак йўқолган деб топилганилиги оқибатида мулкдорнинг хусусий корхона раҳбари вазифасини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда хусусий корхонани бошқариш фуқаролик қонун ҳужжатларига ва хусусий корхонанинг уставига мувофиқ амалга оширилади.

IV. Хусусий корхонада меҳнатга оид муносабатлар

18-модда. Хусусий корхонанинг иш берувчиси ва ходими ўртасида-ги ўзаро муносабатлар

Хусусий корхона (иш берувчи) ва хусусий корхонанинг ходими ўртасидаги ўзаро муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси (контракт) билан тартибга солинади.

19-модда. Хусусий корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш

Хусусий корхона ўз ходимларига меҳнат ҳақи, мукофотлар ва компенсациялар тўлашнинг шакллари, тизими ҳамда миқдорини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил белгилайди.

Хусусий корхонада меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарафларнинг келишувига кўра, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

20-модда. Хусусий корхона ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш

Хусусий корхона ўз ходимларига хавфсиз меҳнат шароитларини, ижтимоий ҳимоя чораларини таъминлаши шарт ва уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Хусусий корхона ўз ходимлари учун қонун ҳужжатларида белгиланганига нисбатан имтиёзлироқ меҳнат ва ижтимоий-иктисодий шароитларни мустақил белгилашга ҳақли.

V. Хусусий корхона фаолияти эркинлигининг кафолатлари

21-модда. Хусусий корхона мол-мулкининг национализация ва реквизиция қилинишига йўл қўйилмаслиги

Хусусий корхонанинг мол-мулки национализация қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхонанинг мол-мулки реквизиция қилинмайди, хусусий корхонанинг мулкдорига реквизиция қилинаётган мол-мулкнинг бозор қийматига муодил компенсацияси тўланадиган табиий оғатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва фавқулодда тусдаги бошқа ҳолатлар бундан мустасно.

22-модда. Хусусий корхона фаолиятининг эркинлиги

Хусусий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай фаолият турларини амалга оширади.

Хусусий корхона битимлар тузишда эркиндин.

23-модда. Хусусий корхоналарга татбиқ этиладиган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар

Хусусий корхоналарга тадбиркорлик субъектлари учун қонун хужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади.

24-модда. Хусусий корхонага солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Қонун хужжатлари билан белгиланадиган тартибда хусусий корхоналар учун давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг доимий ставкалари белгиланади.

Хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солик солинмайди.

25-модда. Хусусий корхона фаолиятини текшириш чекланганлиги

Хусусий корхона фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан қўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун хужжатларида назарда тутилган холлар бундан мустасно.

VI. Якунловчи қоидалар

26-модда. Хусусий корхоналарнинг бирлашиши

Хусусий корхоналар ўз хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида конунга мувофиқ ассоциацияларга (уюшмаларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашишлари мумкин.

27-модда. Хусусий корхонани бошқа шахсга ўтказиш

Хусусий корхона мулкдори хусусий корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида сотишга, ҳадя қилишга, васият қилиб қолдиришга ёки уни ўзгача усуlda бошқа шахсга ўтказишга ҳақли.

Хусусий корхона бошқа шахсга берилган тақдирда ўзининг фирма номидан, товар белгиларидан, хизмат кўрсатиш белгиларидан ҳамда мазкур хусусий корхона ва унинг маҳсулотини, у бажараётган ишларни ёки кўрсатаётган хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситалардан фойдаланиш хукуқлари, агар қонун хужжатларида ёхуд шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, янги мулкдорга ўтади.

28-модда. Хусусий корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш

Хусусий корхона унинг мулкдори ёки суднинг қарорига кўра, қонун хужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

29-модда. Низоларни ҳал этиш

Хусусий корхоналарнинг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

30-модда. Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиқда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 11 декабрь,
558-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

29 «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қиласи**:

1. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев) ўз қарорларини «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиурсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 11 декабрь,
559-II-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ ҚАРОРИ

30 Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

[Кўчирма]

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, спирт, алкоголли маҳсулотлар ва акциз солиги солинадиган товарларнинг бошка турларини ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан жиддий нуксонлар ва камчиликлар мавжуд. Ўтказилган текширишлар спирт, алкоголли маҳсулотларни яширин ишлаб чиқариш, уларнинг ноқонуний айланиши ҳолатларига барҳам берилмаганлигини кўрсатмоқда. Ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган маҳсулотнинг сифати белгиланган техник шартлар ва стандартларга мувофиқ эмас. Алкоголли маҳсулотлар ва акциз солиги солинадиган бошқа маҳсулотлар савдо қоидалари қўпол равишда бузилган ҳолда сотилмоқда.

Молия вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар фаолияти устидан зарур назоратни таъминламаяпти, бунинг натижасида ҳисобга олинмаган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга маблағларнинг тегишли равишда тўлиқ тушмаслигининг кўплаб ҳолатлари аниқланди.

Спирт ва алкоголли маҳсулотларнинг республикага контрабанда йўли билан олиб келиниши ва сотилишига барҳам бериш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиб департаменти томонидан ниҳоятда қониқарсиз иш олиб борилмоқда.

Буларнинг барчаси давлатнинг манфаатларига сезиларли иқтисодий заарар етказмоқда, кишиларнинг саломатлигини хавф остига қўймокда, истеъмолчиларнинг хуқуқларини камситмоқда.

Истеъмолчиларнинг хуқуқлари ҳимоя қилинишини кучайтириш, алкоголли маҳсулотлар ноқонуний ишлаб чиқарилиши, сифатсиз ва контрабанда йўли билан олиб келинган алкоголли маҳсулотлар сотилишига йўл қўйилмаслиги учун назоратни кучайтириш, бюджетга даромадлар тўлиқ тушушини таъминлаш ва ўзаро ҳисобкитобларни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Молия вазири (Нурмурадов), Давлат солик қўмитаси раиси (Сайфиддинов), Давлат божхона қўмитаси раиси (Парпиев), «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси раисига (Аюпов) спирт ва алкоголли маҳсулотлар ноқонуний ишлаб чиқарилиши, контрабанда йўли билан олиб келиниши, сифатсиз маҳсулот сотилишига йўл қўйилмаслиги, алкоголли маҳсулотлар айланишидан солик тўлов-

лари тўлиқ ва ўз вақтида тушиши учун шахсан жавобгар эканликлари қатъий кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, сотилиши ва айланиши устидан қаттиқ назоратни таъминлаш, биринчи навбатда, бунга бевосита алоқадор бўлган барча тузилмаларнинг жавобгарлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида таклифлар киритсинлар, бунда кўрсатиб ўтилган маҳсулот давлат монополияси обьекти эканлиги назарда тутилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси 1-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Комиссия (К.С. Исмоилов) 10 кун муддатда Комиссия тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Қуидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор тузилмалар билан биргаликда янги календарь йилга Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлашда жорий йилнинг 1 ноябридан кечикмай этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш балансини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини хукуки учун аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия беришда Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатиб ўтилган Комиссияси этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг ҳар йили тасдиқланадиган баланси параметрларига қатъий амал қилишга мажбурдир;

этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш хукуки учун лицензия ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳар бир турига, уларни ишлаб чиқаришнинг аниқ ҳажми кўрсатилган ҳолда алоҳида берилади;

фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда, шунингдек этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш даржаси лицензияда кўрсатилган ҳажмларда таъминланмаганда, уч ой ва ундан кўп ой мобайнида бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддатида тўланмаган қарзлар мавжуд бўлганда, сифатсиз спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва сотилиши аниқланганда лицензиянинг амал қилиши белгиланган тартибда тўхтатилади.

4. Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси 2004 йил 1 марта Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини танқидий ўрганиб чиқсин ва мазкур қарор билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш хукукини берувчи лицензияларни қайта расмийлаштирунсан.

Белгилансинки, 2004 йил 1 марта лицензияларни қайта расмийлаштирунган корхоналарнинг илгари берилган лицензиялари бекор қилинади ҳамда улар этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланиш хукукига эга бўлмайди.

* 1-илова берилмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солик қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиб департаменти спирт ва алкоголли маҳсулотлар ноконуний ишлаб чиқарилиши, контрабанда йўли билан олиб келиниши ва сотилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар ҳамда уларни аниқлаш бўйича амалий чоратадбирлар кўрсинглар. Амалга оширилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида йилнинг хар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

7. «Ўзстандарт» агентлиги тегишли идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда республикада етиштирилаётган буғдойнинг навлари ва классларидан келиб чиқиб хом ашё сарфининг ва этил спирти чиқишининг ягона нормаларини ишлаб чиқсан ва тасдиқласин.

8. 2004 йил 1 январдан бошлаб алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи З-иловага мувофиқ корхоналарда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия инспекторлари лавозими жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга биринтирилган молия инспекторлари фаолияти устидан назоратни кучайтирсиз ва 2004 йил 10 февралгача уларни аттестациядан ўтказсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси ва «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси икки хафта муддатда этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар паспорти шаклини ишлаб чиқсинглар ва тасдиқлаш учун Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссиясига киритсинглар.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ва баъзиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ҳукумат қарорларига мазкур қарорга мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 15 январь,
24-сон

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 15 январдаги 24-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш
фаолиятини лицензиялаш түғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Қуйидагиларни:

- а) озиқовқат спирти, тозаланган спирт, шу жумладан узум ва мева-резавор мевадан тайёрланган спирт;
- б) узум ва мева-резавор мевадан тайёрланган хом ашё спирти;
- в) конъяк ва кальгадос спирти;
- г) узум ва мева-резавор мевадан тайёрланган виноматериаллар (тозаланган ва тозаланмаган), шунингдек фалладан тайёрланган ярим тайёр спиртли маҳсулотлар;
- д) узум ва мева-резавор мевадан ва ярим тайёр спиртли маҳсулотлардан тайёрланган винолар;
- е) ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари, бальзамлар;
- ж) конъяклар (брендилар) ва кальгадослар;
- з) шампан виноси, кўпикланадиган ва газлаштирилган винолар;
- и) даражаси паст (пиводан ташқари) ва ўткир спиртли ичимликлар, дамламалар ва ликёрлар;
- к) вино ичимликлари: ўткирлиги 4 ҳажмли фоиздан 8 ҳажмли фоизгача бўлган паст даражали ичимликлар, ўткирлиги 9 ҳажмли фоиздан 28 ҳажмли фоизгача бўлган ўткир ичимликларни саноат асосида ишлаб чиқариш фаолияти лицензияланади.

3. Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолияти факат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш хукуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган ҳар бир маҳсулот турини ишлаб чиқаришга алоҳида берилади.

5. Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш хукуқига лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия 5 йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

6. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш, тўхтатиб туриш ва узайтириш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Махкамасининг этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади.

Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Хужжатларни қабул қилиш, улар юзасидан эксперт хулосаси ва Комиссия қарорларлари лойиҳаларини тайёрлаш, лицензияларни расмийлаштириш, қайта расмийлаштириш ва бериш, лицензиялар реестрини юритиш, лицензия битимини тузиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш учун Комиссия хузурида «Ўзстандарт» агентлиги хузуридаги Алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспек-

цияси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси, «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органлари мутахассисларидан ишчи гурӯҳ (кейинги ўринларда ишчи гурӯҳ деб аталади) тузилади. Ишчи гурӯҳ фаолиятига Комиссиянинг масъул котиби раҳбарлик қиласди. Ишчи гурӯҳнинг шахсий таркиби Комиссия томонидан тасдиқланади.

II. Лицензия талаблари

7. Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишдаги лицензия талабларига қўйидагилар киради:

этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасидаги қонун ҳужжатларига мажбурий риоя этиш;

ишлаб чиқариш хавфсизлигини, техника хавфсизлигини, ёнгин хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талаблари ва нормаларини таъминлаш;

лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун амалдаги қонун ҳужжатларидан назарда тутилган зарур гувоҳномалар, сертификатлар ва бошқа ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;

маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича стандартлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси ёки «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланган технология йўриқномаларининг мавжуд бўлиши;

спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида тегишли малакага эга бўлган камида икки мутахассиснинг мавжуд бўлиши;

моддий-техника базаси ва технология асбоб-ускуналарининг белгиланган норматив-техник талабларга мувофиқ бўлиши;

спирт ва алкоголли маҳсулотларни лицензия олишда кўрсатилган ҳажмларда ишлаб чиқариш.

8. Лицензия беришда ва унинг амал қилиш муддатини узайтиришда, шунингдек спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга давлат монополиясини белгиловчи ҳамда мазкур Низомнинг III бўлимида назарда тутилган шартлар ҳам ҳисобга олинади.

III. Лицензия бериш (унинг амал қилиш муддатини узайтириш) учун зарур шартлар

9. Илгари тегишли маҳсулот турини ишлаб чиқаришга лицензия олмаган лицензия талабгорларига лицензия бериш қўйидаги шартларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

а) янги календарь йил учун Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан манфаатдор тузилмалар билан биргаликда ҳар йили ишлаб чиқиладиган параметрларга ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш балансларига қатъий риоя қилишдан келиб чиқкан ҳолда;

б) этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги ишлаб чиқариш кувватларини қуриш ва ишга тушириш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади, Вазирлик этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш балансидан келиб

чиққан ҳолда этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича таклиф этилаётган қувватларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

в) ароқ, ликёр-ароқ маҳсулотлари ва вино лицензия талабори томонидан лицензия олишда кўрсатилган, йиллар бўйича тақсимлангандан кам бўлмаган ҳажмда ишлаб чиқарилади. Бунда ишлаб чиқариш ҳажми лицензия талабори томонидан ишлаб чиқариш қувватидан, ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун — абсолют алкоголга қайта хисоблаганда йилига 20 минг декалитр ва ундан ортиқ, вино қуювчи ихтисослаштирилган корхоналар учун — йилига 60 минг декалитр ва ундан ортиқ вино оборотидан келиб чиққан ҳолда кўрсатилади;

г) технология ва технология линиялари, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш лабораторияси ва унинг жиҳозланиши, чиқарилаётган маҳсулот сифати давлат стандартлари талабларига мувофиқ бўлиши;

д) технология линиялари ва асбоб-ускуналар гигиена сертификатига эга бўлиши;

е) корхоналарнинг ишлаб чиқариш лабораториялари зарур асбоб-ускуналар, приборлар, кимёвий реактивлар билан жиҳозланган ва давлат стандартларида назарда тутилган барча зарур физик-кимёвий, микробиологик ва бошқа кўрсаткичларни анализ қилиш имконини берувчи синов усулларига доир норматив-техник хужжатлар билан таъминланган бўлиши керак. Ишлаб чиқариш лабораториялари «Ўзстандарт» агентлиги органлари томонидан аттестациядан ўтказилган бўлиши лозим.

10. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтиришда мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган шартлар билан бир қаторда қўйидаги шартлар хам ҳисобга олинади:

а) илгари берилган лицензиянинг амал қилиш даврида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари, шу жумладан Низомнинг ушбу бўлимида назарда тутилган талаблар ва шартлар бузилмаган бўлиши керак;

б) корхоналардаги мавжуд ишлаб чиқариш цехлари, участкалари ва филиаллари белгилangan талабларга мувофиқ бўлиши, технология йўриқномаларига, давлат стандартларига ва бошқа норматив хужжатларга эга бўлиши керак;

в) ишлаб чиқарilaётган маҳсулот «Ўзстандарт» агентлигининг аккредитация қилинган органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатига эга бўлиши керак;

г) алкоголли ичимликлар ишлаб чиқараётган лицензиатлар мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан камида 60 фоиз фойдаланишини таъминлаши керак, ишлаб чиқариш қувватлари лицензиатга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фойдаланилмаган ҳоллар бундан мустасно;

д) чиқarilaётган маҳсулот намуналари ҳар чоракда чиқarilaётган маҳсулотнинг стандартлар талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса олиш учун «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компаниясининг Республика марказий дегустация комиссиясига тақдим этилиши керак;

е) лицензиатнинг илгари берилган лицензиянинг амал қилиши даврида бюджетга ва давлат мақсадли фонdlарига тўловлар бўйича қарзлари бўлмаслиги керак;

ж) фаолият даврида лицензиат маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуналарни модернизация қилинган янги, чиқarilaётган маҳсулот сифатини яхшиловчи асбоб-ускуналарга босқичма-босқич алмаштирилишини таъминлаган бўлиши керак.

IV. Лицензия олиш учун зарур хужжатлар

11. Лицензия олиш учун лицензия талабори қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли, унинг жойлашган жои (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, лицензияланалётган фаолият тури (ёхуд унинг бир қисми) ва ушбу фаолият тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича таклиф этилаётган қувватларни фойдаланишга топширишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хуносаси;

белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқариш учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги тўғрисида «Ўзстандарт» агентлиги (унинг худудий бошқармалири)нинг «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси билан биргаликда берилган хуносаси;

лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгорининг йиғимни тўллаганини тасдиқловчи хужжат;

ишлаб чиқариш лабораториясининг «Ўзстандарт» агентлиги органларида аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

санитария-эпидемиология назорати органларининг маҳсулотнинг, ишлаб чиқариш шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг санитария-гигиена талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хуносаси, шунингдек технология асбоб-ускуналарининг гигиена сертификатлари нусхалари;

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги худудий органларининг ишлаб чиқаришнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хуносаси;

ёнгин назорати органларининг ишлаб чиқаришнинг ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хуносаси;

солик органининг бюджетга ва давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарзлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси (лицензиянинг амал қилиш муддати узайтирилганда);

корхонанинг Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси томонидан белгиланадиган шакл бўйича паспорти.

12. Лицензия талаборидан ушбу Низомда назарда тутилмаган хужжатларни тақдим этишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

13. Хужжатлар лицензияловчи органга лицензия талабори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Хужжатлар ишчи гурух раҳбари томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси хужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

14. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабори қонун хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

V. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

15. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон

Республикаси қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йифим ундирилади.

Аризани кўриб чиқсанлик учун йифим суммаси лицензияловчи органнинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йифим қайтарилмайди.

16. Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талаборига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талаборининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи гурух ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда хужжатларни кўриб чиқади ва улар юзасидан эксперт хulosаси тайёрлайди ҳамда лицензия талаборига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни Комиссияга тегишли қарор протоколи лойихаси билан бирга тақдим этади. Бунда ишчи гурух зарурият бўлганда, жойларга бориб ёки давлат тегишли органлари мутахассисларини жалб этиб ишлаб чиқариш шарт-шароитларининг кўриб чиқиш учун тақдим этилган хужжатларга мувофиқлигини текширишга ҳақлидир.

Комиссия ишчи гурухнинг таклифи олинган кундан кейин ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлади. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси томонидан имзоланади. Зарур холларда Комиссия қарори сўров ўйли билан қабул қилиниши мумкин.

17. Кўрсатиб ўтилган Комиссия этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш хукуки учун лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ҳамда лицензия беришда этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш балансининг ҳар йили тасдиқланадиган параметрларига қатъий амал қилиши шарт.

18. Ишчи гурух лицензия талаборини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнода хабардор қиласи.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талаборига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия бериш ҳақида қарор қилингани тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талаборига имзолаш учун лицензия шартномаси юборилади.

Лицензия битими лицензияловчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган аниқ фаолият турининг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини ишчи гурух томонидан назорат қилиш тартиби;

амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа зарур маълумотлар.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади. Лицензия битими лицензияловчи орган номидан ишчи гурух раҳбари имзолайди.

19. Лицензиялар ишчи гурух томонидан белгиланган намунадаги бланкаларда расмийлаштирилади ва Комиссия раиси томонидан имзоланади.

Лицензия бланкалари қатъий хисобда турадиган хужжатлар хисобланади, хисобга олиш сериясига, тартиб ракамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

Лицензия бланкаларини тайёрлаш, уларни хисобга олиш, сақлаш ва расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 майдаги 200-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

20. Лицензия лицензия талабори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи хужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

21. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидағи билдиришнома юборилган (топширилган) вактдан бошлаб уч ой мобайнода лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганигини тасдиқловчи хужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлиdir.

22. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи гурухнинг мансабдор шахси хатти-харакатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

23. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талаборига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб хужжатларни тақороран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

24. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабори томонидан бартараф этилган тақдирда, хужжатларни тақороран кўриб чиқиш лицензия талаборининг аризаси барча зарур хужжатлар билан биргаликда олинган қундан бошлаб ўн қундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда ишчи гурух хужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин уч кун мобайнода улар юзасидан Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун эксперт хулосаси тайёрлайди.

Комиссия ишчи гурухнинг таклифи олингандан кейин етти кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорлари аризалари тақороран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза хисобланади.

VI. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

25. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (пошлини) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир хафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

26. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

27. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи гурух лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш ишчи гурух томонидан тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талаборининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йифим ундирилади. Йифим суммаси лицензияловчи органнинг банкдаги хисоб маҳсус рақамига ўтказилади.

28. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

29. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин. Бунда лицензиат оммавий ахборот воситаларида йўқолган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида хабар бериши, шунингдек хабарни лицензияловчи органга тақдим этиши керак.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талаборининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йифим ундирилади. Йифим суммаси лицензияловчи органнинг маҳсус хисоб рақамига ўтказилади.

VII. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

30. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат ишчи гурух томонидан, қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

31. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи гурух ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун хужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун таклиф киритиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган холлари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш учун белгиланган тартибда солик органларига юбориш ҳуқуқига эга.

32. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чогида ишчи гурух томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш учун Комиссия ёки ишчи гурух қарорига биноан «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси инспекторлари ва давлат бошқа органлари вакиллари жалб этилиши мумкин.

VIII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

33. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 22—24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссия:

етил спирти ва алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш даражаси-ни лицензия олиш вақтида кўрсатилган ҳажмларда таъминламагандан ҳамда у ушбу Низомнинг 9-банди «в» кичик бандида назарда тутилган даражадан паст бўлганда — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги хulosасига биноан;

уч ой ва ундан кўп вақт ой мобайнида бюджетга ва давлат мақсадли фондлари-га муддати ўтиб кетган тўловлар мавжуд бўлганда — Ўзбекистон Республикаси Дав-лат солик қўмитаси ва Молия вазирлиги хulosасига биноан;

сифатсиз спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарилгани ёки сотилгани аниқланганда — «Ўзстандарт» агентлиги хulosасига биноан лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

34. Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарор юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияловчи орган қарорининг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдо-рида жавоб беради.

IX. Лицензиялар реестри

35. Ишчи гурух лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефоны;

банкдаги ҳисоб рақами ва солик тўловчининг идентификация рақами;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

ишлаб чиқарилишига лицензия бериләтган маҳсулот номи;
лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;
лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;
лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;
дубликат бериш асослари ва санаси.

36. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ хисобланади, улар хақини тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳакининг ярми микдоридаги тўлов лицензияловчи органнинг маҳсус хисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.

X. Давлат божини тўлаш тартиби

37. Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш хукуки учун лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун:

ушбу Низом 2-бандининг «а», «в», «е» ва «ж» кичик бандларида назарда тутилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга — энг кам ойлик иш ҳакининг 200 баравари микдорида;


ушбу Низом 2-бандининг «б», «д», «з», «и» ва «к» кичик бандларида назарда тутилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга — энг кам ойлик иш ҳакининг 100 баравари микдорида;

ушбу Низом 2-бандининг «г» кичик бандида назарда тутилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга — энг кам ойлик иш ҳакининг 50 баравари микдорида давлат божи ундирилади.

Лицензиялар берганлик учун давлат божи маблағлари республика бюджетига ўтказилади.

Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш схемаси



Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 15 январдаги 24-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия
инспектори лавозими жорий этиладиган алкоголли маҳсулот
ишлаб чиқарувчи корхоналар рўйхати**

Т/р	Корхоналарнинг номи	Жойлашган жойи (минтақа)
1.	«Бўстон» очиқ акциядорлик жамияти	Қорақалпогистон Республикаси
2.	«Навигул» қўшма корхонаси	Андижон вилояти
3.	«Дача» ёпиқ акциядорлик жамияти	Андижон вилояти
4.	«Нур» шўъба корхонаси	Бухоро вилояти
5.	«Фаллаорол-Белогорск» қўшма корхонаси	Жиззах вилояти
6.	М. Улугбек номидаги очиқ акциядорлик жамияти	Самарқанд вилояти
7.	«Боғизагон» очиқ акциядорлик жамияти	Самарқанд вилояти
8.	«Олтинсой шароб» очиқ акциядорлик жамияти	Сурхондарё вилояти
9.	«Карвон» қўшма корхонаси	Тошкент вилояти
10.	«Афсар ЛТД» қўшма корхонаси	Тошкент вилояти
11.	«Ҳамкор-Осиё» қўшма корхонаси	Тошкент вилояти
12.	«Бону-Голдинг» қўшма корхонаси	Тошкент вилояти
13.	«ГМХ Заркент» қўшма корхонаси	Тошкент вилояти
14.	«Фар-Итал» қўшма корхонаси	Тошкент вилояти
15.	«Меҳнат» агрофирмаси	Тошкент вилояти
16.	«Матонат» масъулияти чекланган жамияти	Тошкент вилояти
17.	«Асл-Биллур» қўшма корхонаси	Тошкент шаҳри
18.	«Элсун-шароб» қўшма корхонаси	Тошкент шаҳри

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 26 ноябрдаги 418-сон қарорининг 1-банди ва 1999 йил 5 январдаги 2-сон қарорининг 7-банди билан спирт ва алкоголли маҳсулот ишлаб чиқарувчи 27 корхонада Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия инспекторлари лавозими жорий этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 15 январдаги 24-сон қарорига
5-ИЛОВА

I. Ҳукуматнинг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулот ишлаб чиқаришга давлат монополиясини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонини бажаришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 14 августдаги 398-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1997 й., 8-сон, 28-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат назоратини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 5 январдаги 2-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 1-сон, 2-модда) 1-4-бандлари, шунингдек қарорга 1, 2 ва 5-иловалар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат комиссияларини ташкил этиш масалалари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш хақида» 2000 йил 19 сентябрдаги 359-сон қарорига 1-илова 16-бандининг учинчи—еттинчи хатбоши.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари билан ташкил этилган комиссиялар ва кенгашлар таркибини тасдиқлаш хақида» 2000 йил 30 сентябрдаги 374-сон қарорига 9-илова.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 13 январдаги 14-сон қарорига илованинг 11-банди (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 1-сон, 5-модда).

II. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 январдаги 13-сон қарори билин тасдиқланган Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация агентлиги хузуридаги Алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 11-банднинг ўнинчи хатбошидаги «спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишга берилган лицензияларни бекор қилиш» сўzlари «этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш» сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Низом қўйидаги мазмундаги 14-банд билан тўлдирилсин:

«14. Алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик килади. Комиссия ёки ишчи гурух қарорига кўра Алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси инспекторлари лицензия талаблари ва шартларига лицензиатлар томонидан риоя этилишини текширишга жалб қилиниши мумкин».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

31 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш түғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рафбатлантириш чора-тадбирлари түғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш түғрисида» 2003 йил 30 августдаги ПФ-3305-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш..
2004 йил 17 январь,
28-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 17 январдаги 28-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика халқ хўжалигини ва аҳолисини газ билан таъминлашни ташкил этишни яхшилаш чора-тадбирлари түғрисида» 1993 йил 2 декабрдаги 587-сон қарорининг 2 ва 6-бандларидағи «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Мадад» агентлигини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари түғрисида» 1995 йил 26 июлдаги 292-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 7-сон, 25-модда; 1998 й., 5-сон, 20-модда; 2002 йил 11-сон, 72-модда):

а) 3-банддаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин;
б) 4-илова номидаги, 1, 4, 6 ва 9-бандлардаги, шунингдек унга иловадаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган «Замин» давлат-акциядорлик ипотека банкини ташкил этиш түғрисида» 1995 йил 7 сентябрдаги 350-сон қарори 2-бандининг олтинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 декабрдаги 439-сон қарори билан тасдиқланган Бизнес-мактаб түғрисида низом (3-илова) (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 12-сон, 36-модда; 2001 й., 4-сон, 21-модда) I бўлимининг 1-бандидаги, II бўлими 1-бандидаги, 2-бандининг иккинчи ва тўртинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 мартағи 163-сон қарори билан тасдиқланган Экспорт имкониятларини ривожлантиришни рафбатлантириш Республика кенгаши түғрисида низомнинг 3.5-бандидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 16 апрелдаги 199-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси тўғрисида низом (3-илова) II бўлимининг бешинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 4-сон, 15-модда; 1999 й., 11-сон, 64-модда; 2000 й., 8-сон, 45-модда; 2001 й., 6-сон, 34-модда; 2002 й., 7-сон, 41-модда) билан тасдиқланган Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартиби II бўлимининг 3-банди қўйидаги таҳrirда баён қилинсин:

«3. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ходимларининг ўртacha йиллик сони ни белгилашда унитар (шўъба) корхоналарда, филиалларда ва ваколатхоналарда ишлайдиганлар сони ҳам ҳисобга олинади».

8. Вазирлар Махкамасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириши рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 5-сон, 20-модда; 2003 й., 1-сон, 7-модда):

а) қарорнинг номидаги, кириш қисмидаги ва 1, 2, 3, 6-бандларида, 7-банднинг учинчи хатбошидаги, 8-банднинг биринчи хатбошидаги, 10-банддаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин;

7-банднинг иккинчи хатбошидаги «ёки ўрта» ва «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин;

9-банднинг учинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин;

10-банддаги «Макроқитисодиёт ва статистика вазирлиги» сўzlари «Давлат статистика қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

илованинг номидаги, 6, 9 ва 11-бандлардаги, шунингдек изоҳдаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин;

в) 2 ва 3-иловалардаги «Кичик ва ўрта бизнесни», «Кичик ва ўрта тадбиркорликни», «Кичик ва ўрта корхоналарга», «Кичик ва ўрта корхоналарни» сўzlарни тегишли равиша «Кичик бизнесни», «Кичик тадбиркорликни», «Кичик корхоналарга», «Кичик корхоналарни» сўzlари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Махкамасининг «2000—2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида» 1999 йил 7 декабрдаги 520-сон қарорининг 4-банддаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 56-сон қарори билан тасдиқланган Ахборот-таҳлил бошқармаси тузилмасининг «Хусусийлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш шўъбаси» кичик бўлимида (13-илова) «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

11. Вазирлар Махкамасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириши рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида» 2000 йил 17 февралдаги 57-сон қарорида:

а) қарорнинг кириш қисмидаги, 4-бандининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин;

б) 6-бандда:

учинчи хатбошидаги «кичик ва ўрта бизнес, хусусий» сўzlари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «кичик ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошидаги «кичик, ўрта ва хусусий» сўзлари чиқариб ташлансин; олтинчи хатбошидаги «кичик ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин;
в) 7-банднинг тўртинчи хатбошидаги «кичик, ўрта ва хусусий» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Махкамасининг «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисобот беришини қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 23 февралдаги 65-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 2-сон, 10-модда):

карор номидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин;
қарорнинг кириш қисмидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин;
1-банднинг иккинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин;
2-банддаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин.

13. Вазирлар Махкамасининг «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнес бошқа субъектларини кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 4 мартдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 3-сон, 11-модда, 2001 й., 6-сон, 34-модда, 2003 й., 1-сон, 7-модда) номидаги ва кириш қисмидаги, 3-бандидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин.

14. Вазирлар Махкамасининг «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рафбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 5-сон, 25-модда):

а) қарорнинг номидаги, кириш қисмидаги, 1-бандининг учинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин;
б) 2-иловада:

илованинг номидаги, 1 ва 2-бандларидағи, 8-бандининг иккинчи ва тўртинчи хатбошидаги, 9-бандидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин;

6-банддаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин;

29-банддаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 3-илованинг 2-бандидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин.

15. Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби 3-бандининг «е» кичик бандидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин.

16. Вазирлар Махкамасининг «Ўзқўргазмасавдо» доимий ишловчи республика ярмарка савдоси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 5 сентябрдаги 340-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 56-модда; 2003 й., 1-сон, 5-модда) 6-бандидаги ва 8-бандининг иккинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин.

17. Вазирлар Махкамасининг «2005 йилгача бўлган даврда маҳаллий хом ашё негизида буюмлар ва материаллар ишлаб чиқарини маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» 2000 йил 5 сентябрдаги 342-сон қарорининг 4-бандидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин.

18. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан тузилган комиссиялар ва кенгашлар таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2000 йил 30 сентябрдаги 374-сон қарорига 10-иловадаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин.

19. Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда; 2003 й., 2-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш

бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида низом 1-бандидаги ва 20-бандининг ўн биринчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

20. Вазирлар Махкамасининг «Темир йўлларни модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 20 мартдаги 136-сон қарори 6-бандининг биринчи хатбошидаги «кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш» сўzlари «кичик бизнесни ривожлантириш» сўzlари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 30 мартдаги 160-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 3-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тўғрисида низом (3-илова) 5-бандининг ўн тўртинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

22. Вазирлар Махкамасининг «Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва сув тақчилигини юмшатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 8 июндаги 249-сон қарори 9-бандининг учинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

23. Вазирлар Махкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 263-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 6-сон, 30-модда; 2003 й., 1-сон, 7-модда, 2-сон, 19-модда) 5-бандидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

24. Вазирлар Махкамасининг «Иктисодиётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 августдаги 349-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 8-сон, 48-модда) 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

25. Вазирлар Махкамасининг «Кичик корхоналар, дехқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёzlари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўrsatiш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 9-сон, 52-модда; 2003 й., 2-сон, 19-модда) кириш қисмидаги, 5-бандидаги, 7-бандининг иккинчи хатбошидаги, 10-бандидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

26. Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 4 мартдаги 77-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 3-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Илмий-техника тараққиётини Мувоғиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида низомнинг (4-илова) 10-банди тўртинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

27. Вазирлар Махкамасининг «Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисобкитоб қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 20 мартдаги 90-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 3-сон, 16-модда) 7-бандининг биринчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

28. Вазирлар Махкамасининг «Тошкент шаҳар қурилиш комплексини бошқариши тақомиллаштириш масалалари тўғрисида» 2002 йил 29 апрелдаги 147-сон қарори 3-бандининг саккизинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

29. Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 25 июндаги 227-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 6-сон, 34-модда) билан тасдиқланган Тақдим этиш даврийлиги қисқартириладиган молия ва давлат статистика ҳисботи шаклларининг рўйхати (1-илова) I бўлумининг 1.1-бандидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика енгил саноатини ривожлантириш ва бошқариши ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 2 июлдаги 240-сон қарорига 1-илова 1.1-бандининг еттинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 9-сон, 53-модда; 2003 й., 2-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамгармаси тўғрисида низом (2-илова) 8-бандининг иккинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси тўғрисида низом (6-илова) 8-бандининг ўн биринчи хатбошидаги ва 23-бандининг олтинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги 391-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 68-модда) 3-бандининг бешинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги 173-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 28-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамгармаси маблагларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом (1-илова) 8-бандининг бешинчи хатбошидаги ва 11-бандининг ўн олтинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 июлдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг Корпоратив бошқарув маркази тўғрисида низом (2-илова) 7-бандининг ўн иккинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг «Польша Республикаси билан ҳамкорликни яна-да ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 21 июлдаги 319-сон қарорига 1-илованинг 8 ва 9-бандларидаги ҳамда 2-илованинг 2.2-бандидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг «Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 29 июлдаги 331-сон қарори 2-бандининг бешинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Кичик ва микро молиялаштириши ривожлантириш» лойихасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 11 августдаги 348-сон қарорининг кириш қисмидаги ва 2-бандининг бешинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ва Польша Республикаси ўртасидаги Ҳукуматлараро битимлар доирасидаги лойихаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 14 августдаги 353-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низом (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 79-модда) 7-бандининг олтинчи кичик банди тўртингчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

32 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариغا ўзгартеришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартеришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Устав фондларида давлат мулки улуши бўлган банкрот корхоналарни тугатиш бўйича тугатиш комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида» 1999 йил 31 декабрдаги 548-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 12-сон, 71-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш..
2004 йил 19 январь,
31-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 19 январдаги 31-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартеришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар ҳакида» 1999 йил 26 июлдаги 362-сон қарорида «(Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 7-сон, 42-мода):

а) 3-банднинг иккинчи хатбошидаги «мулкида давлат мулки бўлган» сўзлари «устав фондида давлат улуши бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг иккинчи хатбошидаги «банкрот корхоналарни тугатиш жараёнинг бориши устидан кундалик назорат ўрнатсин, тугатиш комиссияси ва ишончли вакиллар қониқарсиз ишлаган тақдирда уларнинг шахсий таркибини алмаштириш тўғрисида ўз вақтида тақдимномалар киритсин» сўзлари «устав фондида давлат улуши бўлган банкрот корхоналарни тугатиш жараёнинг бориши устидан кундалик назорат ўрнатсин, тугатувчи бошқарувчи қониқарсиз ишлаган тақдирда уни вазифаларни бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этсин»;

в) 5-банднинг учинчи хатбошида «тугатиш комиссиялари ва ишончли вакиллар таркибини шакллантириш ва тасдиқлашда» сўзлари тугатувчи бошқарувчиларни тайинлашда» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 6-банддаги «мулкида давлат мулки бўлган» сўзлари «устав фондида давлат улуши бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

д) 1-иловада:

4-баннда:

тўртинчи хатбошида «устав жамғармаларида давлат мулки улуши бўлган» сўзлари «устав фондида давлат улуши бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошида «тугатиш ёки санациялаш жараёнида» сўзлари «банкротлик ёки суддан олдин санация ўтказиш тартиб-коидаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-баннда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тўловга қодир бўлмаган, зарар кўриб ишлайтган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш мақсадида устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий ҳолати мониторингини юритиш»;

тўртинчи хатбошида «тўловга қодир бўлмаган ва зарар кўриб ишлайтган корхоналар» сўзлари «тўловга қодир бўлмаган, зарар кўриб ишлайтган ва иқтисодий ночор корхоналар» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошида «банкротлик белгиларига эга бўлган корхоналарни суддан олдин санациялаш ёки банкрот деб эътироф этилган корхоналарни тугатиш» сўзлари «суддан олдин санациядан ўтказиш ёки банкротлик белгиларига эга бўлган корхоналарни тугатиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«кредиторларнинг банкрот корхонага нисбатан даъволари қондирилишига кўмаклашиш, банкротлик хамда суддан олдин санациядан ўтказиш тартиб-коидаларини амалга оширишда акциядорлар (пайчилар)нинг мулкий ҳуқуқлари ва манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш»;

тўққизинчи ва ўнинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн биринчи хатбошида «банкротлик хавфини бартараф этишга» сўзлари «банкротликнинг олдини олишга» сўзлари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Комиссияга қишлоқ хўжалиги корхоналари банкротлигининг олдини олиш чоратабирларини кўриш юзасидан таклифлар киритиши;

устав фондида давлат улуши бўлган зарар кўриб ишлайтган, паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиши;

суд бошқарувчилари ўқитилишини ва аттестациядан ўтказилишини хамда суд бошқарувчиларининг ягона реестри юритилишини ташкил этиши;

устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни суддан олдин санациядан ўтказиш, суд санациясини ва ташқи бошқарув режаларини келишиш»;

7-баннда:

учинчи хатбошида «хўжалик судига» сўзларидан кейин «суддан олдин» сўзлари кўшилсин;

ўн иккинчи хатбошида «мулкида давлат мулки бўлган» сўзлари «устав фондида давлат улуши бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошида «корхоналарни» сўзларидан кейин «суддан олдин» сўзлари кўшилсин;

ўн бешинчи хатбошида «устав жамғармаларида давлат мулки улуши бўлган» сўзлари «устав фондида давлат улуши бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн еттинчи хатбошида «ташқи бошқарувчи, ишончли вакил» сўзлари «суд бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирманчи хатбошида «устав жамғармасида давлат улуши бўлган» сўзлари «устав фондида давлат улуши бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«тўловга кодир бўлмаган, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва жамоа хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиша қатнашади;

Комиссияга ижтимоий инфратузилма объектларини белгиланган тартибда маҳаллий бошқарув органлари балансига бериш ва умумий фойдаланиладиган ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини уларнинг функционал вазифасига кўра тегишли хўжалик бирлашмалари корхоналари балансига бериш тўғрисидаги таклифларни киритади;

Комиссияга таркибий қайта ўзгартириладиган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банк-ротлик тартиб-коидаси қўлланилган корхоналарнинг курилиши тугалланмаган объектлари ва асосий фондларини консервация қилиш тўғрисида таклифлар киритади»;

8-банднинг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

9-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«устав фондида давлат улуши бўлган ва хўжалик суди томонидан банкрот деб эътироф этилган корхоналарни тугатиш жараёнида қатнашиш»;

еттинчи хатбошида «санациялаш» сўзи «судгача санациядан ўтказиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн иккинчи банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«устав фондида давлат улуши ва (ёки) пул мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси олдида қарзи бўлган, шунингдек ўз фаолиятини амалда тўхтатган қарздор корхона раҳбари бедарак бўлган ва унинг турар жойини аниқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда корхоналар банкротлиги тўғрисида иш қўзғаш хақидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш»;

куйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«давлат томонидан қўллаб-қувватланган суддан олдин санациядан ўтказишнинг бориши, шунингдек устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг банкротлиги тартиб-коидаларининг бориши устидан назорат қилиш»;

конун хужжатларига мувофиқ суд бошқарувчиларининг фаолиятини назорат қилиш, суд бошқарувчиси фаолиятида конун хужжатлари мунтазам равишида ёки бир марта қўпол равишида бузилиши аниқланган тақдирда уни вазифаларини бажаришдан озод этиш тўғрисида хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиш»;

е) 2-иловада:

низомнинг номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида низом»;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда қарздорни санациядан ўтказиш ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача бўлган муддатга жорий этилади»;

7-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«шахар асоси бўлган корхоналар ва уларга тенгглаштирилган корхоналар;

Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан таркибий қайта ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режалари маъқулланган корхоналар»;

9-банднинг тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«суддан олдин санациядан ўтказиш муддатида мажбурий тўловларни тўлаш ва кредитларни қайтариш муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш, хисобланган пеня ва жарималарни хисобдан чиқариш»;

10-баннда:

иккинчи хатбошида «маблағларни» сўзидан кейин «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарори асосида» сўzlари кўшилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Хисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси қарорига биноан судгача бўлган санациялаш муддатида мажбурий тўловларни тўлаш, илгари ажратилган давлат кредитларини қайтаришни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш, шунингдек хисобланган пеня ва жарималарни хисобдан чиқариш шаклида давлат маблағларини жалб этиш»;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда санациялаш ўтказилишида қарздорга хизмат кўрсатувчи банкда илгари амал қилган хисоб рақамлари тўхтатилган ҳолда санациялаш бўйича сўмда ва (ёки) валютада хисоб рақами очилади.

Санациялаш хисоб рақамининг иш тартиби Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланади»;

12-баннда «Мулкида давлат мулки бўлган» сўzlари «Устав фондида давлат улуши бўлган» сўzlари билан алмаштирилсин;

13-баннда:

биринчи хатбошида «Мулкида давлат мулки бўлган» сўzlари «Устав фондида давлат улуши бўлган» сўzlари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«хисоб рақамларининг ҳолати тўғрисида хизмат кўрсатувчи банкнинг маълумтономаси»;

14-баннда:

«режаси» сўзи «бизнес-режаси» сўzlари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«зарурат бўлганда корхоналарга нисбатан судгача санациялаш муддатида мажбурий тўловларни тўлаш, илгари берилган давлат кредитларини қайtаришни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш, шунингдек хисобланган пеня ва жарималарни хисобдан чиқариш шаклида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўлланилиши, корхонани санациялаш тўғрисида карор қабул қилинган Комиссия мажлиси протоколи ва Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитасининг хulosasi Комиссия котибияти томонидан қарор қабул қилиш учун Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссиясига юборилади»;

ж) З-иловада:

4-баннда:

иккинчи хатбошида «корхоналарни» сўзидан кейин «суддан олдин» сўzlари кўшилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«устав фондида давлат улуши бўлган ҳамда хўжалик суди томонидан банкрот деб эътироф этилган корхоналар банкротлигининг зарур тартиб-коидаларини амалга ошириш»;

еттинчи хатбошида «ишончли шахслар» сўzlари «тугатувчи бошқарувчилар» сўzlари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошида «мулкида давлат улуси бўлган» сўзлари «устав фондида давлат улуси бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-бандда:

биринчи хатбошида «мулкида давлат мулки бўлган» сўзлари «устав фондида давлат улуси бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидан «тугатиш комиссияси ташкил этиш ва ишончли вакил функцияларини бажариш» сўзлари чиқариб ташлансан.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция ва Хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 25 сентябрдаги 410-сон қарорига З-илованинг 43-бандида «ХИФ банкрот бўлган ёки тугатилган тақдирда унинг активларини тугатиш тугатиш комиссияси томонидан очик ким ошди савдоси шаклида ўтказилади» сўзлари «ХИФ банкрот бўлган тақдирда бошқарувчи тугатувчи, ХИФ ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда эса — тугатиш комиссияси очик ким ошди савдоси шаклида унинг активларини сотади» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 18 апрелдаги 188-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 31-модда) 1-иловада:

29-бандда ва 33-банднинг иккинчи хатбошида «ишончли шахс» сўзлари «тугатувчи бошқарувчи» сўзлари билан алмаштирилсан;

31-бандда «ишончли шахснинг» сўзлари «тугатувчи бошқарувчининг» сўзлари билан алмаштирилсан.

32-бандда «ишончли шахс» сўзлари «тугатувчи бошқарувчи» сўзлари билан алмаштирилсан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

33 Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмаси- ни такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агро- кимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғри- сида

[Кўчирма]

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситалари билан таъминлаш соҳасида интизомни мустаҳкамлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан аҳвол қониқарсизлигича қолмоқда. Ўтказилган текширишлар вақтида «Ўзқимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси хамда «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат-акциядорлик компанияси ва унинг ҳудудий корхоналари томонидан шартнома ва молия интизомининг жиддий бузилиши, минерал ўғитлар ва ўсимликларни химоя қилиш кимёвий воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан хисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги ҳоллари аниқланди.

Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш ва сотишнинг яхлит тузилмасини яратиш, уларнинг қишлоқ хўжалигига етказиб берилганлиги учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш, ҳудудий агрокимё хизматларининг масъулиятини ошириш, улар ва ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш мақсадида Вазирлар Махкамаси **карор қиласди**:

1. Маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат-акциядорлик компанияси акциядорлари, «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ва «Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари республика базаси» акциядорлик жамиятининг:

«Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат-акциядорлик компаниясини тугатиш;

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларини, уларни «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибига берган ҳолда, «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига айлантириш;

«Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари республика базаси» акциядорлик жамиятини, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Жиззах ва Бухоро вилоятлари чигирткага қарши курашиб экспедицияларини, Республика агрокимё станциясини, Республика ўқув-ишлаб чиқариш биолабораториясини, Зааркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш бўйича диагностика, прогноз ва биометод Республика ва ҳудудий лабораторияларини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига бериш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кимё саноатини замонавийлаштириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга йўналтирилган ягона техника сиёсати ўтказиш, ресурсларни тежайдиган самарали технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ва бутловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш;

қишлоқ хўжалигининг минерал ўғитларга, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларига, шунингдек иқтисодиёт бошқа тармоқларининг рақобатбардошли кимёвий маҳсулотларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларининг маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ҳамда уларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;

тармоқни ривожлантиришнинг кимё саноатини барқарор ривожлантиришга, рақобатбардошли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган ўртacha муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг ҳар йилги баланслари ишлаб чиқилишида қатнашиш;

минерал ўғитлар ва дефолиантларни сотиш бўйича ҳар йилги ярмарка савдолари ўтказилишини ташкил этиш;

хорижий ва Ватанимиз инвесторларини жалб этган ҳолда кимё саноати корхоналарини чуқур ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш;

менежментнинг замонавий усулларини эгаллаган ва бозор шароитларида самарали ишлашга қодир бўлган мұхандис-техник кадрлар ва бошқарув кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

3. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси ва ходимларининг умумий чекланган сони 85 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 56 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

«Кишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятларининг, уларнинг туманларо ва туман филиалларининг намунавий тузилмалари 3*, 4*, 5*-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Вазирлар Махкамасининг қарори билан тасдиқланадиган 6-иловага* мувофиқ 13 кишидан иборат таркибдаги Компания кенгаши «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришнинг юқори органи хисобланади.

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раисига зарурят бўлганда ва Компания кенгаши билан келишган ҳолда ходимларнинг штатда белгиланганд сони доирасида Компанияни бошқариш ижро этувчи аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсин.

Белгилаб қўйилсанки, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви 4 кишидан, шу жумладан раис ва унинг 3 нафар ўринбосаридан иборат бўлади. Раис ва унинг ўринбосарлари юқори бошқарув органи томонидан сайланади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда майший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра раис вазирга, биринчи ўринбосар — вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосарлари эса — вазир ўринбосарларига тенгластирилади.

4. Белгилансинки, «Кишлоқхўжаликкимё» Коракалпогистон республика ва вилоят акциядорлик жамиятлари бошқаруви раислари Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларининг тақдимномасига кўра «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси томонидан лавозимга тасдиқланадилар.

5. Белгилаб қўйилсанки, «Кишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари:

юридик шахс сифатида ташкил этилади ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибига киради;

ўз туманларо ва туман филиаллари орқали тегишли худуд бўйича хақиқий талабни ўрганадилар, буюртманомаларни умумлаштирадилар ҳамда пировард истеъмолчилар — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситаларининг аниқ турларини етказиб бериш юзасидан шартномалар тузадилар;

ҳар йили 1 октябрдан кечикмай, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг буюртманомаларини умумлаштириш асосида республика вилоятлари бўйича минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситаларига бўлган эҳтиёж прогнозини шакллантирадилар ҳамда минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситаларини ватанимиз ишлаб чиқарувчи корхоналарида ишлаб чиқариш бўйича келгуси йил дастурини ўз вақтида тайёрлаш учун «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига тақдим этадилар.

6. Қўйидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

2004 йилдан бошлаб ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан минерал ўғитларнинг асосий турларини ва дефолиантларни улгуржи сотиш юзасидан шартномалар (контрактлар) тузиш ҳар йили ўз маҳсулотларининг кўргазма-сотувини ташкил этган ҳолда ярмарка савдоларида амалга оширилади;

минерал ўғитлар ва дефолиантларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импорт

* 3—6 иловалар берилмайди.

килувчилар — бир томондан, улгуржи харидорлар «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари ва маҳсулотнинг бошқа улгуржи истеъмолчилари — иккинчи томондан ярмарка савдолари қатнашчилари ҳисобланадилар;

шартномалар тузиш ҳамда минерал ўғитлар ва дефолиантларни сотиш бўйича ярмарка савдолари ҳар йили, прогноз йилидан олдинги йилнинг октябрь-ноябрь ойларида ўтказилади.

Кўрсатиб ўтилган вазифани амалга ошириш учун:

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ижро этувчи аппарати тузилмасида минерал ўғитлар ва дефолиантлар ярмарка савдоларини ташкил этиш бўлими ҳамда доимий фаолият кўрсатувчи ярмарка қўмитаси ташкил этилсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иктиносидёт вазирлиги «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Буюртмаларни шакллантириш, ярмарка савдоларини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотларни сотиш ҳамда улар учун ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

7. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан воситачилик шартномалари бўйича ва «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятларининг омборларида жавобгарлик остида сақлаш учун минерал ўғитлар жўнатиш тақиқлансан.

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси кенгаши минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга маҳсус жиҳозланган омборхоналар ажратиш ва бериш масаласини, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сақлаш хавфсизлиги режими қатъий равишда таъминланишини назарда тутган ҳолда, бир ой муддатда кўриб чиқсан.

8. Белгилансинки, «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятларининг чакана савдо тармоғи орқали дехқон ва фермер хўжаликларига сотиладиган минерал ўғитлар ва кимёвий препаратларга қўшилган қиймат солиғи солинмайди.

9. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси кенгаши бир ой муддатда:

«Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик бирлашмалари, туманлараро ва туман филиалларининг фаолиятини мукаммал ўрганиб чиқсан ҳамда уларни «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятларига айлантиришга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин, шунингдек уларнинг раҳбарлари аттестациядан ўтказилишини таъминласин;

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ижро этувчи аппаратининг штатдаги ходимлари сонини қайта кўриб чиқсан, уни юкори малакали кадрлар билан бутласин, мазкур қарорни ҳисобга олган ҳолда Компаниянинг янги уставини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятларининг устав фондларини мазкур қарорга мувофиқлаштирасин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 16 январдаги Ф-1893-сон фармойиши билан ташкил этилган Маҳсус ишчи гуруҳ бир ой муддатда тугатиш комиссиясини тузсин ҳамда «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат-акциядорлик компаниясини тугатишга доир тадбирларни белгиланган тартибда амалга оширсин.

11. Қуйидагилар:

калийли ўғитлар етказиб бериш бўйича — «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси;

тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шу жумладан 7-иловага* мувофиқ илгари тузилган импорт контрактлари бўйича «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари тугатилаётган «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат-акциядорлик компаниясининг ҳуқукий ворислари этиб белгилансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 9-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсанлар.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.


Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш..
2004 йил 23 январь,
33-сон

* 7-илова берилмайди.


Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 23 январдаги 3-сон карорига
1-ИЛОВА

«Ўзимёсаноат» ДАҚ ташкилий тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 23 январдаги 33-сон қарорига
2-ИЛОВА

«Ўзкимёсаноат» ДАҚ ижро этувчи аппарати тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 85 киши
шу жумладан бошқарув ходимлари — 56 киши

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 23 январдаги 33-сон қарорига
9-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
айрим қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 1 февралдаги 63-сон қарорининг 1—9, 12—17-бандлари (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 2-сон, 8-модда).
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 13 марта 124-сон қарорининг 3, 4, 11 ва 16-бандлари.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси-нинг Кенгаши аъзолари таркиби тўғрисида» 2001 йил 15 марта 129-сон қарори.
4. Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасар-руфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорига 3-илованинг 373—385-бандлари.
5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 25 сентябрдаги 412-сон қарорининг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 9-сон, 89-модда).
6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 20 октябрдаги 451-сон қарорига илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 10-сон, 100-модда).
7. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви республика орган-ларининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарорига 3-илованинг 6 ва 47-бандлари.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ
МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
БҮЙРУФИ

34 *Темир йўл транспорти ходимлари учун маҳсус кийим, маҳсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
20 январда 1298-сон билан давлат рўйхатидан ўtkазилди*

(2004 йил 30 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сонли «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий хужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастури»нинг ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Темир йўл транспорти ходимлари учун маҳсус кийим, маҳсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрлари иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Намунавий меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киритилсин.
3. Меҳнат муҳофазаси бошқармаси (В. Ничкасов) Намунавий меъёрлар Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилганидан сўнг уларни нашр этиш юзасидан «Меҳнат» нашриётига тавсия тайёрласин.
4. Ушбу буйруқ бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Акбаров зиммасига юклатилсин.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
вазири О. ОБИДОВ**

Тошкент ш.,
2003 йил 30 декабрь,
70-сон

* Илова берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

35 Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сон БХМС) «Асосий воситалар»- ни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
20 январда 1299-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 30 январдан кучга киради)

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сон БХМС) «Асосий воситалар» иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Қуйидагилар ўз кучини ўйқотган деб хисоблансан:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 7 сентябрда 46-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сон БХМС) «Асосий воситалар» (1998 йил 23 сентябрь 491-сонли рўйхат рақами — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 6-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 23 февралдаги 23-сонли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сон БХМС) «Асосий воситалар»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (2001 йил 23 февраль 491-1-сонли рўйхат рақами — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2001 й., 3-4-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 2 июлдаги 60-сонли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сон БХМС) «Асосий воситалар»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (2001 йил 7 июль 491-2-сонли рўйхат рақами — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2001 й., 13-сон).

3. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 9 октябрь,
114-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

36 «Тижорат банкларида грантларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
21 январда 1300-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 31 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конунининг 3, 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади**:

1. «Тижорат банкларида грантларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва Давлат бюджетининг касса ижроси департаменти (Д.А. Орипов) га ушбу Низомни 10 кун муддат давомида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этсин.
3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 2004 йил 31 январдан бошлаб кучга киради.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари М.Р. Жумагалдиевга юклатилсин.

Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 8 ноябрь,
27/3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

37 «Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларидағи хатоларни тузатиш тартиби түғрисида» низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
21 январда 1301-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 31 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк түғрисида»ги Қонунининг 3, 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қиласи**:

1. «Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларидағи хатоларни тузатиш тартиби түғрисида» низом иловага* мувофиқ тасдиқлансан.
2. Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва Давлат бюджетининг касса ижроси департаменти (Д.А. Орипов) га ушбу Низомни 10 кун муддат давомида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этсин.
3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 2004 йил 31 январдан бошлаб кучга киради.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари М.Р. Жумагалдиевга юклатилсин.

Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 8 ноябрь,
27/4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ БОШ БОШҚАРМАСИ
БҮЙРУФИ

38 Давлат ветеринария назорати остидаги юкларни экспорти, импорти ҳамда транзитида ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларни ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
22 январда 1302-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 1 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Конунининг 6 ва 18-моддалари, Ветеринария соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим 4-моддасига мувофиқ ҳамда Халқаро эпизоотик бюронинг Халқаро ветеринария кодексида белгиланган қоидалар асосида ишларни юритиш мақсадида, **буюраман**:

1. Давлат ветеринария назорати остидаги юкларни экспорти, импорти ҳамда транзитида ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларни ташиш қоидалари иловага* мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғи М. Рўзимуродов

Тошкент ш.,
2003 йил 23 июль,
4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 16 январдан 23 январгача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Темир йўл транспорти ходимлари учун маҳсус кийим, маҳсус пойабзал ва бошқа якка тартибда химояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёrlарини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижти-
моий муҳофаза қилиши вазирининг 2003 йил 30 декабрдаги 70-сон буйруғи.

**2004 йил 20 январда 1298-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил
30 январдан кучга киради).**

2. Бухгалтерлик ҳисоби миллий стандарти (БҲМС №5) «Асосий воситалар»
ни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил
9 октябрдаги 114-сон буйруғи.

**2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил
30 январдан кучга киради).**

3. «Тижорат банкларида грантларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низом-
ни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003
йил 8 ноябрдаги 27/3-сон қарори.

**2004 йил 21 январда 1300-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил
31 январдан кучга киради).**

4. «Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларидаги хатоларни тузатиш тар-
тиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марка-
зий банки Бошқарувининг 2003 йил 8 ноябрдаги 27/4-сон қарори.

**2004 йил 21 январда 1301-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил
31 январдан кучга киради).**

5. «Давлат ветеринария назорати остидаги юкларни экспорти, импорти ҳамда
транзитида ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларни ташиб қоидা-
ларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжали-
ги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария назорати боши бошқармаси боши-
лигининг 2003 йил 25 июлдаги 4-а-сон буйруғи.

**2004 йил 22 январда 1302-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил
1 февралдан кучга киради).**

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Бухгалтерлик ҳисоби миллий стандарти (БҲМС № 5) «Асосий воситалар»
ва 1, 2-сон ўзгартиришлар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томони-

дан тасдиқланган (23.09.98 й., рўйхат рақами 491, 23.03.01й., рўйхат рақами 491-1, 07.07.01й., рўйхат рақами 491-2).

Адлия вазирининг 2004 йил 20 январдаги 10-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур норматив-ҳуқукий ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгаришилар киритилиши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

**Саволлар ва таклифлар учун
телефонлар: 133-38-67, 132-00-28**

